БУГУН ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА 60 ЙИЛ ТЎЛДИ

# ТУПРОҒИНГ ХАЗИНА, БАХТИНГ БИР ЖАҲОН, СОВЕТЛАР ЮРТИДА СЕНГА ЁР ИҚБОЛ!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 206 (8446). ● 27 октябрь, 1984 йил ● ШАНБА Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ — СОВЕТ ХАЛҚИ ДАВЛАТ БИРЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ БЎЛГАН, БИРГАЛИКДА КОММУНИЗМ ҚУРИШ УЧУН БАРЧА МИЛЛАТЛАР ВА ЭЛАТЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРГАН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ СОСТАВИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ РЕСПУБЛИКАДИР.

(Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституциясидан).

## МЕҲНАТ, ТАРАҚҚИЁТ, ШОН-ШУҲРАТ ЙЎЛИ




1939 ЙИЛ 1956 ЙИЛ 1972 ЙИЛ 1974 ЙИЛ 1980 ЙИЛ

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида СССР саноатининг шу йил тўққиз ойи мобайнидаги иши якунларини муҳокама қилди. Мажлисда маҳсулот реализация қилиш планини барча министрликлар ва иттифоқдош республикалар бажарганлиги қайд этиб ўтилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши йиллик топшириқдаги 3,8 процент ўрнига 4,1 процентни ташкил этди ва бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Шу билан бирга партия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг эътибори бир қанча корхоналар билан бирлашмалар ўтган ойларда, шу жумладан сентябрь ойида ўз имкониятлари даражасида ишламаганликларига жалб этилди, 1984 йилги планни адо этиш ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун йўл қўйилган қолоқликни тезроқ бартараф этиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Саноатнинг 1984 йил январь—сентябрь ойларидаги иши якунлари тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда машинасозликни автоматлаштириш вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган рақамли программа билан бошқариладиган замонавий системалар жуда кўплаб ишлаб чиқариладиган ва юксак даражада автоматлаштирилган корхоналарни жадал барпо этишни таъминлашга қаратилган таклифларини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлади.

Ўрток А. А. Громиконинг Ироқ Республикаси Бош министри ўринбосари ва ташқи ишлар министри Т. Азиз билан ўтказган музокаралари натижалари маъқулланди. Шу муносабат билан Совет-Ироқ муносабатларини, жумладан, иқтисодий соҳада муносабатларни янада ривожлантириш ижобий аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Яқин Шарқ можаросини ҳар жиҳатдан бартараф этишга ва Ироқ билан Эрон ўртасидаги урушни тўхтатишга эришиш масалалари юзасидан Совет Иттифоқининг принципиал позицияси ўзгармас эканлиги таъкидланди. Ироқ билан Эрон ўртасидаги урушнинг тўхтатилиши шу мамлакатлар халқларининг ҳаётий манфаатларига мос келган бўлур эди.

Сиёсий бюро ўрток М. С. Горбачевнинг ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер билан КПСС ва ГБСП ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишланган суҳбати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқди.

Ўрток В. В. Гришиннинг КПСС Москва шаҳар комитети делегациясининг Югославияга қилган сафари якунлари тўғрисидаги ахбороти маъқулланди. Делегация Белград фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги билан боғлиқ тадбирларда иштирок этган эди.

Ўрток Г. А. Алиевнинг Москвада ўтган Совет-Япония «Давра столи» конференциясида япон жамоатчилиги делегациясининг раҳбар группаси билан учрашуви тўғрисидаги ахбороти тингланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Совет Иттифоқи ички ва ташқи сиёсатига оид бошқа баъзи масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

## КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

26 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан МХРП Марказий Комитети Бош секретари, МХР Министрлар Советининг раиси Ж. Батмунх ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда: совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов; Монголия томонидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Д. Моламжамс, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Ц. Намсрай иштирок этдилар.

К. У. Черненко КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш соҳасида КПССнинг фаолияти тўғрисида монгол ўртоқларга ахборот берди. Экономика самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигини бошқариш системасини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда совет халқининг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжлари яна ҳам тўлиқроқ қондирилишини таъминлаш борасидаги тадбирларнинг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Ж. Батмунх МХРП XVIII съездининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида, МХРП Марказий Комитетининг навбатдан ташқари 8-пленумидан кейин партия ўтказаётган ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлар ҳақида, яратилган иқтисодий потенциалдан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини барқарор юксалтириш тадбирлари тўғрисида сўзлаб берди. Катта-катта социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда Совет Иттифоқи бераётган ҳар томонлама ёрдамнинг муҳимлиги таъкидланди. Монгол халқи ана шу вазифаларни бажариш соҳасида меҳнат қилмоқда.

Музокаралар вақтида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалар ҳамда бошқа соҳаларда Совет-Монголия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Томонлар социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлган КПСС билан МХРП партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида бузилмас қардошларча иттифоқ ҳамда дўстликни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган йўлни бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан ўтказаверишларини билдирдилар.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида империализм, биринчи навбатда АҚШ империализми ашаддий реакцион кучлари сиёсатининг хавф-хатари ортиб бораётганлиги қайд этиб ўтилди. Томонлар Осиёдаги вазиятга алоҳида эътибор бердилар. Улар шу вазиятни соғломлаштиришга доир амалий тадбирларни рўёбга чиқариш ниҳоятда зарур эканлигини таъкидладилар, Совет Иттифоқи, Монголия Халқ Республикаси, бошқа социалистик давлатларнинг маълум таклифларини амалга ошириш бунга кўмаклашган бўлур эди.

Музокаралар қардошларча дўстлик ва сидқидиллик, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тўла якдиллик вазиятида ўтди.

Музокараларда, совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари О. Б. Рахманин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг МХРдаги элчиси С. П. Павлов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Шарапов; Монголия томонидан — МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлимининг мудири Ц. Балхажав, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХРнинг СССРдаги элчиси Ц. Гурбадам, МХРП Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Р. Бата ҳам бор эдилар.

(ТАСС).

## АЖОЙИБ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

### БАЙКАЛ-АМУР ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ ҚУРИЛИШИ ВА УНИ ИШЛАТИШДАГИ БАРЧА ИШЧИЛАРГА, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАРГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ТЕМИРЙЎЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА, БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Байкал-Амур темир йўл магистралининг асосий темир йўл изини ёткизишни туғаллаш ҳамда унинг бошидан-охиригача поездларнинг иш ҳаракатини очиш юзасидан партия XXVI съездининг қарорлари, олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди. Қурилишнинг барча қатнашчиларини меҳнатдаги шу ажойиб ғалаба билан сидқидилдан табриклаймиз. Байкал-Амур темир йўл магистралининг қурилиши ҳақли равишда совет халқининг буюк зафарлари солномасига ёзилади.

Янги қудратли транспорт артерияси мамлакатимиз, айниқса Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ экономикасини ривожлантириш, бу регионларда катта-катта территориал— ишлаб чиқариш комплекслари барпо этиш, бой табиий ресурсларни халқ хўжалиги оборотига жалб этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

БАМ трассасидаги қийин шароитларда ўн йил мобайнида жуда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қоя тошлар, ўрмонзорлар, ботқоқликлар ва абадий музлик орқали 5000 километр асосий ва станция темир йўл излари ўтказилди, 4200 тага яқин кўприк ва бошқа сунъий иншоотлар қурилди. Магистрал объектлари билан бир қаторда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, ўлкалар ва областларнинг оталиқ ташкилотлари кучи билан янги шаҳарлар ва обод посёлкалар қурилмоқда, кадрларнинг мамлакатнинг шарқий районларида мустаҳкам жойлашиб қолиши учун шароит яратилмоқда.

Магистрал қурилмоқда ва ишламоқда. Ундан кўмир ва ёғоч, бинокорлик материаллари, машина-механизмлар ва бошқа юклар ортилган составлар ўтиб турибди.

Минглаб йигит ва қизлар Комсомольск—Амур, Магнитка, Турксиб ва Братск қурувчиларининг шонли анъаналарини давом эттириб, ўзларининг навқирон қалблари амри билан Ленин комсомолининг бош қурилишига келдилар. Улар бу ерда касб-кор маҳоратини ўрганиш билан бирга, ажойиб ҳаёт сабоғини олмоқдалар.

Қисқа вақт ичида қурилишда кўп миллатли жипслашган коллектив вужудга келди, бу коллектив энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлиб қолди. Магистрални қураётган барча кишилар шу умумхалқ ишида қатнашганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

БАМни бутун мамлакат қурмоқда. Кўпгина республикалар, ўлкалар ва областлар, минглаб корхоналар унинг учун машина ва механизмлар, пўлат излар ва шпаллар, қурилиш конструкциялари юбориб турибди, бошқа муҳим буюртмаларни бажаришмоқда. Уни барпо этишга илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Магистралда уй-жой, социал-маиший объектлар қуриш соҳасида оталиқ ташкилотлари катта иш қилмоқда.

Байкал-Амур темир йўл магистрали қурувчиларининг юксак ютуқлари Хабаровск ўлкаси, Бурятия ва Якутия АССР, Амур, Иркутск ва Чита областлари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қурилишнинг хўжалик раҳбарлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишнинг натижасидир.

Сизлар Байкал-Амур темир йўл магистрали қурилишини туғаллашда, магистрал зонасидаги фойдали қазилмаларнинг жуда бой запасларидан тезроқ фойдаланиш учун янги саноат объектлари қурилишида бундан буён ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиласизлар, севикли Ватанимиз бахт-саодати йўлида янги зафарларга эришасизлар, деб ишонч билдирамиз.

Азиз ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик, социалистик мажбуриятларни, 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришда муваффақиятлар тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ



● «ЎЗБЕКИСТОН Совет Социалистик Республикасининг эълон қилиниши» картинасидан репродукция.

## АКТИВ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўзбекистон партия комитетлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари мудирларининг 26 октябрь куни Тошкентда иш бошлаган семинар-кенгаши янги ўқув йилида сиёсий ва иқтисодий таълим системаси олдида турган вазифаларга бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева семинар қатнашчилари ҳузурида «КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўрток К. У. Черненко нутқлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумларининг қарорлари асосида ғоявий-тарбиявий ишнинг актуал масалалари» тўғрисида доклад қилди.

Семинар қатнашчиларининг нутқларида марксча-ленинча ўқишни янада такомиллаштириш, машғулотлар мазмунининг қарши пропаганда йўналишини кучайтириш йўллари муфассал кўриб чиқилди. Пропагандистларни тайёрлашнинг назарий ва методик савиясини ошириш, айрим проблемаларни ўрганишга доир таълимни кенг кўламда жорий этиш чоралари муҳокама этилди.

Машғулотлар мавзусини меҳнат коллективларининг ҳаёти билан боғлашни мустаҳкамлаш, тингловчиларни актив ҳаётий позиция руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий ҳушёрлигини ошириш проблемалари семинар-кенгаш ишида алоҳида ўрин олди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари бир қанча район партия комитетларида сиёсий маориф кабинетларининг иши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

### БУГУН ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

## ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ОИЛАСИДА

Бугун бутун республикамизда бўлгани каби областимизда ҳам навбатдаги ягона сиёсий кун ўтказилади. Партия комитетларининг сиёсий докладчилари саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, колхозлар ва совхозлар, муассасаларда «Ўзбекистон — СССР халқларининг қардош оиласида» мавзусида суҳбатлар ўтказилади.

Бугунги ягона сиёсий кун Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бўлиб, унда республикамизнинг қардош халқлар оиласида экономика ва маданиятни юксалтиришда эришган муваффақиятлари ҳақида гап боради.

